

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗАРЕТДИНОВА НЕСИБЕЛИ ҚУРБАНБАЕВНА
ОИЛАДАГИ ЁШЛАРНИНГ КАСБ ТАНЛАШИНИ СОЦИОМЕТРИЯ
УСУЛИ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по социологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Sociological Sciences**

Заретдинова Несибели Қурбанбаевна

Оиладаги ёшларнинг касб танлашини социометрия усули билан тартибга солиш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)..... 3

Заретдинова Несибели Қурбанбаевна

Регулирование социометрическим методом профессионального выбора молодёжи в семье (на примере Республики Каракалпакстан)..... 23

Zaretdinova Nesibeli Kurbanbaeva

Sociometric regulation of the professional choice of young people in the family (on the example of the Republic of Karakalpakistan)..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications

Список опубликованных работ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАРЕТДИНОВА НЕСИБЕЛИ ҚУРБАНБАЕВНА
ОИЛАДАГИ ЁШЛАРНИНГ КАСБ ТАНЛАШИНИ СОЦИОМЕТРИЯ
УСУЛИ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Sots43 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори диссертацияси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.moiti.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матибаев Таспулат Балтабаевич
социология фанлари доктори, профессор

Каланов Комилжон Қулахметович
социология фанлари номзоди, профессор.

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, М.Исмоилий кўчаси 1 Г-уй, Тел (71)267-05-36, факс (71)267-03-92); E-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com

Диссертация билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, М.Исмоилий кўчаси 1Г-уй. Тел (71)267-05-36, факс (71) 267-03-92)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.М.Эгамбердиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.Х.Абдураманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисод фанлари доктори, профессор

А.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий Семинар раиси, социология фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ёшларга жамият тараққиётини таъминловчи куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қаралиб, кун тартибига янги вазифалар қўйилмоқда. Маълумотларга кўра, «бугун 25 ёшгача бўлган аҳоли сони 1 миллиард 800 миллион бўлиб, дунё аҳолисининг 16% ини ташкил этмоқда»¹. Бу ёшларнинг замонавий меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши, уларнинг касб танлови самарадорлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, айнан, оила институтида ёшларнинг касб танлашини амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда ёшларнинг касб танлаши борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, уларнинг ижтимоий камолотга эришишида сифатли таълим ва касбий танловни таъминлаш, ёшларни доимий иш жойига эга бўлишида қўллаб-қувватлаш, оилавий муносабатлар ва касбий ҳаёт ўртасида мувозанатнинг сақланишида кадриятларга йўналганлик ва социал капитал омилининг ёшлар касбий танловига таъсири, уларнинг даромадлари, бандлиги, ёшларда касбий тайёргарлик, ёш мутахассисларда касбий мотивацияни ривожлантириш, ижтимоий таъминланганлик даражасини такомиллаштириш, шахсий ривожланиш имкониятлари, психологик-педагогик маслаҳатларни янада такомиллаштириш зарурати илгари сурилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг сифатли таълим олиши ва меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаб, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишида олий таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни таъминлаш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. «Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз. Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади»². Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш, улар бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш учун тизимли тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ-637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар

¹ <https://www.un.org/ru/sections/issues-depth/youth-0/index.html>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4768-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ мутафаккирлари таълимотларида ўғил ва қизларга таълим-тарбия бериш билан бирга, уларни касб-ҳунарга ўргатиш ғояси муҳим ўрин эгаллайди. Бундан кўринадики, ушбу масала ҳозирги кун учун ҳам янгилик бўлмай, балки азалий муаммо сифатида ўрганилган, хусусан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқаларнинг асарларида оила ёшларнинг касб танлаши, касбга йўналтиришнинг муҳим мезони экани таъкидланган³.

Хорижлик олимлар: Э.Дюркгейм, О.Конт, Ж.Пиаже, Т.Парсонс, Э.Эриксон⁴ларнинг тадқиқотларида ёшлар ижтимоийлашуви ва касбий танлови уйғунлиги назарий ёндашув ва тушунчалар орқали ўрганилганлиги кузатилади. МДХ олимларидан: С.Иваненков, Г.Андреева, А.Морозова, Е.Климов, В.Сафин, Н.Захаров, Н.Пряжников⁵лар ишларида ёшларда касбий тайёргарлик, ёш мутахассисларда касбий мотивацияни ривожлантириш, касбий онг ва ўзини англаш, касбий танловнинг амалга оширилишида ижтимоий институтларнинг роли таҳлил этилган.

³Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - Б. 223.; Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Тошкент, 1997. Т. 1. - Б. 487.; Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. - Тошкент: «Фан», 1972.

⁴ Дюркгейм Э. Социология: ее предмет, метод, назначение. Пер. с фр. А.Б. Гофман / Э. Дюркгейм. /Москва: «Канон», 1995. - С. 121.; Конт О. Дух позитивной философии // Энциклопедия эпистемологии и философии науки. - Москва: «Канон+», 2009. - С. 1248.; Пиаже Ж. Природа интеллекта / Избранные психологические труды. - Москва: «Просвещение», 1994. -С. 64.; Парсонс Т. Система координат действия и общая теория систем действия: культура, личность и место социальных систем.// Американская социологическая мысль. - Москва: «Наука», 1996. - С. 464.; Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. - Москва., 1996. – С. 346

⁵. Иваненков С.П. Проблема социализации человека в работах классиков буржуазной и современной западной философии. / С.П. Иваненков // Credo. 1997. № 5. - С. 21-33.; Андреева Г.М. Социальная психология / Г.М. Андреева. - Москва: «Аспект Пресс», 1996. - С. 376.; Морозова А.В. Профессиональная социализация студентов вузов в условиях модернизации институтов образования: дис. ... канд. социол. наук / А.В. Морозова. - Тула, 2004. - С. 240.; Климов Е.А. Психолого-педагогические проблемы профессиональной консультации. - Москва., 1983.- С. 96.; Сафин В.Ф. К проблеме профессионального самоопределения личности и ее активности // Вопросы самоопределения личности и ее активности. - Уфа, 1985. - С. 6.; Захаров Н.Н. Профессиональная ориентация школьников. - Москва: «Просвещение», 1988. - С. 6.; Пряжников Н.С. Теория и практика профессионального самоопределения. - Москва: «Академия», 2008. - С. 97.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов, М.Ганиева, А.Холбеков, Т.Матибоев, А.Умаров, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, А.Сеитовлар⁶, шунигиндек, Қорақалпоғистон Республикасида: А.Бердимуратова, Х.Камалова, Х.Кадирова, Л.Х.Бектурсынова⁷ларнинг тадқиқотларида оилада ёшлар касб танловига таъсир этувчи омиллар сифатида уларнинг иқтисодий, этник ижтимоийлашув муаммоларининг турли жиҳатлари социологик нуқтаи назардан ўрганилган. Н.Эгамбердиева, А.Мусурмонова, Д.Алимова⁸лар ёшларнинг оилада касб танловига таъсир этувчи омилларнинг ретроспектив таҳлилини амалга оширган бўлсалар, талаба ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари ва ёшларнинг кадрият йўналишлари, касбий маслаҳатлар, шахснинг хоссалари, хусусиятлари, шахсни ўрганиш методлари, ўқувчиларни касб танлаш вазифаларини ҳал этиш учун ташхислаш методлари алоҳида ўрганилган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда оиладаги ёшларнинг касб танлашида анъанавий турмуш тарзи, авлодлараро ворисийлик, оилавий кадриятлар каби масалаларга эътибор қаратиб келинаётган бўлса-да, лекин оиладаги ёшларнинг касб танлашини социометрик усул билан тартибга солиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Оиладаги ёшларнинг касб танлашини социометрик усул ёрдамида тартибга солиш бўйича тадқиқотларни амалга оширишнинг долзарблиги, илмий-амалий аҳамият касб этиши диссертантни мазкур мавзунини тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган

⁶ Бекмуродов М. Замоनावий бошқарув социологияси. Дарслик. - Тошкент: «Академия», 2020. - 20 б.т.; Ганиева М. Социальная активность современной узбекистанской молодежи. / East European Scientific Journal. 6 (№31). - P. 40-44. Холбеков А. Социология молодежи. Учебное пособие. - Ташкент: «Университет», 2020. - 9 п.л.; Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик - миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. - Тошкент: «Yangi kitob», 2016. - Б. 184.; Умаров А. Глобаллашув ва ахборот-кутубхона жараёнлари // Kutubxona.uz. илмий-услубий журнал №2 (46) 2020. - Б. 9.; Содиқова Ш. Оила тарбияси. Рисола. - Тошкент: «Академия», 2019. - 2,0 б.т.; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). Соц...ф.докт...дисс...авторреф.... - Тошкент: 2017. - Б. 63.; Сеитов А. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. - Ташкент: Издательство национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. - 11,5 п.л.

⁷ Камалова Х.С., Заретдинова Н. Социометрия илмий тадқиқот усули сифатида. Ўқув-услубий мажмуа. - Нукус, 2018. - Б. 38.; Кадирова Х.Б. Қорақалпоқ халқининг миллий идентиклик хусусиятлари. Соц.фанлари бўйича фалс.докт. (PhD) дисс. авторреф.... - Тошкент., 2020. - Б. 20.; Бектурсынова Л.Х. Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш. Пед.фанлари бўйича фалс.докт (PhD) дисс.авторреф.... - Тошкент., 2019.- Б. 11.; Berdimuratova A.K1*, Mukhammadiyarova A.J2. Philosophical and methodological aspects of the interaction of natural environment and man Karakalpak State University named after Berdakh Republic of Uzbekistan *Corresponding author Received: 06.03.20, Revised: 06.04.20, Accepted: 06.05.20.

⁸ Эгамбердиева Н.М. Духовное воспитание студентов педагогических вузов на основе культурно-гуманистического подхода. <https://cyberleninka.ru/article/n/duhovnoe-vozpitanie-studentov-pedagogicheskikh-vuzov-na-osnove-kulturno-gumanisticheskogo-podhoda/viewer>.; Мусурмонова А. Issues of strengthening the family institutions in Uzbekistan: Theory and practice / ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. №10. - P. 4-11.; Алимова Д. Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асари. <https://tarixinstituti.uz/uzb/Yana/Vtgan-kunlar/Abdurauf-Fitratning-Oila-ioki-oila-bosh-arish-tartiblari-asari>.

илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф-1-79 «Жамоат назорат тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш муаммолари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси оилалари мисолида ёшларнинг касб танлаш имкониятларини социологик таҳлил этиш ва уни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оиладаги ёшларни касб танлашга йўналтирувчи ижтимоий-маданий омилларнинг хусусиятларини назарий-методологик таҳлил қилиш;

«касб», «касбий ижтимоийлашув», «оилада касб танлови», «касбий етуклик», «социометрик ўлчов» тушунчаларини ўзаро боғлиқликда тавсифлаш;

оиладаги ёшларнинг касб танловида ижтимоий-қадриятли мўлжалланишнинг ретроспектив аҳамиятини ёритиш;

оилада ёшларнинг касб танловини тартибга солишда социометрик ўлчов усулининг ижтимоий заруриятини социологик асослаш;

Қорақалпоғистон Республикасида ёшларнинг касбий йўналтирилишига таъсир этувчи омилларни эмпирик таҳлил қилиш;

қорақалпоқ ёшларининг касбий-қадриятли мўлжалларини ташхислаш ва касбий танловини тартибга солиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Қорақалпоғистон Республикасида яшайдиган оилалардаги 14-30 ёш оралиғидаги ёшлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Қорақалпоғистон ёшларининг касб танловида оилавий муносабатлар таъсирини социометрик ўлчаш хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик илмий-тадқиқот тамойилларига асосланган қиёсий таҳлил, социометрик анкета каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муваффақиятли касбга йўналтириш ишлари орқали меҳнат бозорини тартибга солишга қаратилган турли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда (ёшлар ташаббусини амалга ошириш) – скандинавия модели, ёшларнинг таркибий тузилиши (миллий, ҳудудий, маҳаллий) бўйича даражаларга ажратишда – германия модели, айрим тармоқларда ишчи кучига бўлган эҳтиёжни қондиришда (иш стажисиз янги иш ўринлар ва янги хизматларни ташкил этиш) – франция моделининг афзалликлари исботланган;

ёшларда касб танлаш сифатларини шакллантиришга ижтимоий-маданий омиллар, шахс кўникмаларини ривожлантириш (мустақил қарор

қабул қилиш, манфаатлар, мойиллик, меҳнат бозори, карьера) орқали эришилиши очиб берилган;

маҳаллада ишсиз ёшларни касбга йўналтириш ишларини самарали ташкил этишда уларнинг касбий манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат миқёсида ҳам, чет элда ҳам ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун етарли ресурсларга ҳамда механизмларга эга бўлган халқаро ташкилотлар ва муассасаларни жалб этиш орқали тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйилиши лозимлиги асосланган;

оилада касбий ижтимоийлашув самарадорлигини оширишга ёшларда мотивация, альтуризм, бўш вақт, ижтимоий-сиёсий фуқаролик, маънавий-маърифий интернет тармоғи фаолиятларининг намоён бўлиши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш орқали эришилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оиладаги ёшларнинг касб танловига туртки бўлувчи ижтимоий-маданий омиллар хусусиятларининг назарий-методологик асослари тизимли таҳлил этилган;

«касб», «касбий ижтимоийлашув», «оилада касб танлови», «касбий етуклик», «социометрик ўлчов» тушунчалари ўзаро боғлиқликда илмий-амалий тавсифланган;

оиладаги ёшларнинг касб танловида ижтимоий-қадриятли мўлжалланишнинг ретроспектив аҳамияти очиб берилган;

оилада ёшларнинг касб танловини тартибга солишда социометрик ўлчов усулининг ижтимоий зарурияти ва илмий-амалий самарадорлиги социологик асосланган;

Қорақалпоғистон Республикасида ёшларнинг касбий йўналтирилишига таъсир этувчи омиллар эмпирик таҳлил этилган;

қорақалпоқ ёшлари нигоҳида нуфузли касблар проектив иерархияси ишлаб чиқилиб, касб танлашда «оила+таълим+иш берувчи» ўртасидаги узвийликни социометрик тартиблаш тизимини жорий этиш зарурияти асослаб берилган;

қорақалпоқ ёшларининг касбий-қадриятли мўлжалларини ташхислаш ва касбий танловини тартибга солиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, улар доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, пилотаж ҳамда кенг қамровли социометрик сўров саволларини тузиш қоидаларига тўлиқ риоя этилгани, ҳар бир саволнинг назорат саволи билан текшириш таъминлангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бугунги ёшларнинг профессионал равишда ўз тақдирини белгилаш ва ҳаётий режаларини амалга ошириш имкониятини

ошириш механизмларини такомиллаштиришда социометрик тадқиқот усулининг самарадорлиги ва ижтимоий заруриятини тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оилада ёшларнинг касб танлашини тартибга солишда социометрик ўлчаш усулидан амалий фойдаланишни оммалаштиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши, шунингдек, диссертация тадқиқоти ғоя ва материалларидан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда, олий ўқув юртларида «Социология» ва «Ижтимоий иш» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оиладаги ёшларнинг касб танлашини социометрия усули билан тартибга солиш хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида:

муваффақиятли касбга йўналтириш ишлари орқали меҳнат бозорини тартибга солишга қаратилган турли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда (ёшлар ташаббусини амалга ошириш) – скандинавия модели, ёшларнинг таркибий тузилиши (миллий, худудий, маҳаллий) бўйича даражаларга ажратишда – германия модели, айрим тармоқларда ишчи кучига бўлган эҳтиёжни қондиришда (иш стажисиз янги иш ўринлар ва янги хизматларни ташкил этиш) – франция моделининг афзалликлари исботланганлигига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги «Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 132-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 19 мартдаги 84-сон қарори 2-бандининг «а», «б», «в» қисмларини тайёрлашда фойдаланилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 8 январдаги 01-03/02-71-сон ва 2021 йил 26 майдаги 07-04/10-05/1181-сон маълумотномалари). Натижада, бу-ёшларнинг таклиф ва ташаббусларини комплекс социологик тадқиқотлар орқали тизимли ва самарали ўрганиш имконини берган;

ёшларда касб танлаш сифатларини шакллантиришда ижтимоий-маданий омилларнинг аҳамиятини шахс кўникмаларини ривожлантириш (мустақил қарор қабул қилиш, манфаатлар, мойиллик, меҳнат бозори, мустақил карьера) орқали очиб берилганлигига оид таклифидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш Марказининг 2018 йил 4 январдаги 3-сонли буйруғига асосан, 2018-2020 йиллар давомида «Ёшларга оид давлат сиёсати ва баркамол ривожланган авлодни шакллантириш» мавзусида амалга оширилган амалий тадқиқот ишлари доирасида амалиётда қўлланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш Марказининг 2020 йил 18 декабрдаги 01-16/337-сон маълумотномаси).

Натижада, бу ёшларда касбий сифатларни шакллантирувчи ижтимоий ресурсларни тўлдириш имконини берган;

махаллада ишсиз ёшларни касбга йўналтириш ишларини самарали ташкил этишда уларнинг касбий манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат миқёсида ҳам, чет элда ҳам ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун етарли ресурсларга ҳамда механизмларга эга бўлган халқаро ташкилотлар ва муассасаларни жалб этиш орқали тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг йўлга қўйилишига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги «Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 132-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 19 мартдаги 84-сон қарори 2-бандининг «а», «б», «в» қисмларини тайёрлашда фойдаланилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 8 январдаги 01-03/02-71-сон ва 2021 йил 26 майдаги 07-04/10-05/1180-сон маълумотномалари). Натижада бу маҳаллаларда таълим-тарбия ишлари сифатини яхшилаш, оилалардаги ишсиз ёшларни иш билан банд қилиш, олий ва ўрта махсус таълим тизими ривожига таъсир этувчи ижтимоий омилларнинг самарали механизмларини ўқув жараёнига жорий этиш имконини берган;

оилада касбий ижтимоийлашув самарадорлигини оширишда ёшларда мотивация, альтуризм, бўш вақт, ижтимоий-сиёсий фуқаролик, маънавий-маърифий, интернет тармоғи фаолиятларининг намоён бўлиши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш орқали эришишига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 7 апрелдаги 8-К/К-сон қарори билан тасдиқланган «Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг «5» ва «б» бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 14 декабрдаги 13/00-02/04-3242-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 28 майдаги 01/00-03 /19-6399 – сон маълумотномалари). Натижалар академик лицей битирувчи ёшларининг касб эгаллашига, соҳага доир стратегия ва дастурларни ишлаб чиқишга имкон яратган ҳамда меҳнат бозорини комплекс ривожлантириш учун самарали хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 3 таси хорижда (4 та республика ва 2 та хорижий журнал, 1 та SCOPUS журналларда), нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республикамиз фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ёшларда касб танлови ва касбий ижтимоийлашув масалаларининг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида ёшларнинг касб танловига таъсир этувчи омилларнинг назарий-методологик асослари ҳамда Шарқ мутафаккирлари таълимотларида касбий таълим-тарбия масалаларининг ретроспектив таҳлили амалга оширилган, шунингдек, ижтимоийлашув ва касб танлови ўртасидаги ўзаро боғлиқлик социологик ёндашув асосида ўрганилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёшлар алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида тарихан XIX аср охири XX аср биринчи ярмида шаклланган жуда ёш ижтимоий ҳодисадир. Бу давр инсоннинг ҳаёт циклида болалик аллақачон тугаганлиги ва ҳар қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор учун шахсан масъулликни онгли равишда ҳис этиш, оилавий ва касбий мажбуриятларга эга бўлган етуқлик ўртасидаги оралик давр сифатида тавсифланади. Ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳини илмий ўрганишда кўтарилиш даври XX аср 20-йилларидан бошлаб кузатилади. Ўша пайтда К.Менхайм, Г.Маркузе, Ф.Тенбрук, Е.Шпрангер, Э.Эриксон, И.Янжуллар ишларида ёшликнинг ўзига хос социологик концепцияси ишлаб чиқилган.

И.Коннинг фикрига кўра, «... ривожланишнинг ушбу босқичида давом этадиган таълим шахснинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Махсус касбий ва олий таълим олиш улар меҳнат фаолиятинининг бошланиш даври сифатида қаралади»⁹ Е.Озмидованинг фикрига кўра, меҳнат бозори ёш мутахассислардан мураккаб шароитларда ўз касбий фаолияти йўналишларини белгилаб олишда, талаб катта бўлган мутахассис сифатида ўз ўрнини топишда мослашувчан ва ўзини тўғри тақдим эта олиш кўникмаларини талаб этади¹⁰.

⁹ Кон И.С. Психология старшекласника. - Москва: 1980. - С. 45.

¹⁰ Озмидова Е.В. Поведение на рынке труда как проявление профессиональной компетентности. Дисс. кан.экон.наук. - СПб., 2000. - С. 155.

Касбий шаклланиш деганда, кенг маънода, инсон интеллектуал қобилияти, жисмоний имконияти ёки бошқа соҳаларга бўлган қизиқиш ва интилишлари, шунингдек, қадрият ва дунёқарашида муайян касб соҳасида таълим олиши, шу соҳага кириб бориши, йиллар давомида тажрибали кадр бўлиб етишиши тушунилади. Бу мураккаб, орқага қайтмайдиган, чексиз жараён бўлиб, унда инсоннинг қизиқиш йўлидан унумли фойдаланишни, шакллантириш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан биридир.

Ёшларнинг касбий танлови масалалари нафақат замонавий илм-фаннинг ўрганиш объекти, балки тарихий ривожланишнинг турли босқичларида ижтимоий тафаккур вакиллариининг диққат марказида бўлиб келган. Шарқ алломаларининг касб танлаш, касбга йўналтириш борасидаги фикрларини ўрганиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгли касб танлашига ёрдам беради. Болаларни ёшлигидан бошлаб касб-ҳунарга ўргатиш - жамиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади, касбга хос тушунча, тасаввур ва билимларни бойитишига хизмат қилади.

Шарқда ёшларга таълим-тарбия бериш, уларга касб-ҳунар ўргатиш қадимий анъаналардан ҳисобланади. Бу борада, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Бердақ, Кайковус, Саъдий, Жомий, Довоний асарларида тарихий тараққиётнинг турли даврларида ёшлар кўп қиррали меҳнатга тайёр ҳолда тарбияланганлиги алоҳида таъкидланган. Янги шароитда ёшларнинг ўзи хулосага келиши, шу хулосалар реаллиги ва оқибатларига масъул бўлиш ва эгаллаган мавқеига эмас, балки ўз шахсий тавсифномаларининг касбий, саводлилиқ, ижтимоий мобиллиги ва бошқа тегишли рақобат субъектига мос бўлишига йўналтириб тарбиялашни ҳозирги замон талаби, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги ўзгарган ижтимоий жараён ва омилларда ёш авлодни қадриятларга йўналтиришда чуқур ўзгаришлар рўй берди ва улар касб танлаш тузилмасида шакллантирилди. Чунки қадриятларга йўналтириш субъектнинг идеал нуқтаи назаридан мазмунли тавсифномасини бериб, реал касб танлаш ва қизиқишларига етарли асос бўлмайди. Ўз навбатида, қадриятларга йўналтиришнинг динамик тавсифномаси инсон ҳаракати имкониятларини гавдалантиради. Шунинг учун касб танлаш жараёни субъектнинг индивидуал нуқтаи назаридан ўз қадриятларига йўналтиришларига мос бўлади. Ш.Тайланованинг кўрсатишича: «тизимли, субъектив ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар ва қадриятга йўналтирилган фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда «қадрият» тушунчаси ёшларда касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англаб етилганлиги тавсифида бўлғуси фаолиятга субъектив муносабати ва баҳосини ифода этади. Мазкур асосга таянган ҳолда «қадриятлар тизими» тушунчаси барқарор, доимий ва динамик-функционал алоқадорликка эга қадриятга йўналтирилган фаолият асосида касбий тайёргарлик жараёнида шаклланган компонентлар (қадриятларнинг турлари ва шакллари) мажмуини

англатади»¹¹.

XXI асрда касбнинг ўрни ва мазмунида маълум ўзгаришлар рўй берди. Технология, инновация авлодларининг тез суръат билан алмашиниши инсонни касбини ўзгартириши, умр бўйи бир неча маротаба қайта тайёргарликдан ўтиши, ўзидаги билим ва кўникмаларини бир хил йўналишда ўзлаштириш ва кенгайтиришга ундайди. Шунингдек, жамиятдаги у ёки бу касбларни эгаллаган кўплаб касб эгаларининг зарур талаблари ва шу жамият вакилларининг ўз ниятлари муҳим эмас, аммо олий таълим муассасаларида кенг тавсия этилган ва халқ орасида кенг тарқалган касбни эгаллаш орасида тенгсизлик пайдо бўлади.

XX аср ўрталарига келиб, илмий кундалик ҳаётда пайдо бўлган «ижтимоийлашув» тушунчаси гуманитар билимлар соҳасида кенг маънода ишлатила бошлади. Ушбу кўп функцияли ижтимоий ҳодиса фанлараро характерга эга бўлиб, социология (Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, Р.Мертон ва бошқалар) ва маданий антропология (М.Мид, Р.Бенедикт, С.Клакун ва бошқалар) вакиллари томонидан ўрганилди. Ушбу олимлар ўз изланишларида ижтимоийлашувнинг кенг кўламли ижтимоий ҳодиса сифатида мустаҳкам назарий ва услубий базасини шакллантиришди.

«Ижтимоийлашув» концепциясининг асосий социологик ёндашувларини таҳлил қилиш ушбу таърифнинг асосий хусусиятлари «ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни», «ўзини бунёд этиш» билан боғлиқ деган, хулосага келишга имкон беради. Демак, шу маънода ижтимоийлашув профессионал ўзини ўзи белгилашдир. Ижтимоийлашув меъёрлари шахснинг жамиятга кириши, индивидуал ва ижтимоий-одатий хусусиятга эга бўлган шахснинг тўла ҳуқуқли шахс сифатида ривожланиши учун ўрнатилган, тартибга солинадиган ижтимоий механизм сифатида белгиланиши мумкин. Шунинг учун шахснинг «ижтимоийлашув», «касбий йўналтирилганлик» ва «касбий ўзини ўзи белгилаш» тушунчалари ўртасида ўзаро боғлиқлик сезилмоқда. Иккинчиси, иккиламчи ижтимоийлашувнинг ихтисослашган босқичига ўтишдир. Шахс нафақат касбий маданиятни ўзлаштиради ва қабул қилади, балки меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, хусусан, янги касблар пайдо бўлиши туфайли касбий маданият моделига ҳам ўзгаришлар киритади.

Касбий ижтимоийлашув самарадорлиги «ижтимоий етуклик» даражасига эришиш билан ўлчанади. А.Кравченко шахснинг ижтимоий етуклигини: «меҳнатсеварлик, ижтимоий онг ва фаоллик, бурч туйғуси, қонунга бўйсунуш, жавобгарлик ва бошқалар шу каби ижтимоий ва ахлоқий фазилатларнинг ривожланиши», деб белгилайди¹². Шахснинг ижтимоий етуклиги мезонлари рўйхатига, айниқса, касбий ижтимоийлашув мезонларини тавсифлаш учун ўзига хос кўшимча сифатида С.Иваненков: «Ижтимоий бўлиш – бу дунёда содир бўлаётган барча нарсалар учун, онгли ва масъулиятли бўлиш демакдир»¹³, деб таъриф беради.

¹¹Тайланова Ш.З. Педагогик олий таълим муассасалари талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш. Пед.фан.докт. (DSc) дисс. автореф.... - Самарқанд., 2019. - Б. 14.

¹²Кравченко А.И. Социология: словарь. - Москва: «Академия», 1997. - С. 234.

¹³Иваненков С.П. Проблема социализации человека в работах классиков буржуазной и современной

Касбий ижтимоийлашувнинг бошланғич ва иккиламчи босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бирламчи ижтимоийлашув – шахснинг болалигида оиласи, ота-онасидан олган ҳаётий сабоқлари асосида шаклланган дастлабки касбий ижтимоийлашув. Иккиламчи ижтимоийлашув – профессионал касбий фаолият давомидаги ижтимоийлашув, шахсга ўз жамияти объектив дунёсининг янги қисмларига киришга имкон берадиган кейинги жараёнлар. Е.Климов ижтимоийлашув жараёни шахснинг касбий йўналиши билан чамбарчас боғлиқлигини ўрганар экан, касбий ўзини ўзи белгилаш – шахснинг ижтимоийлашувида мартабага йўналтирилган жараённинг сифатли яқунланиши, деб ҳисоблайди¹⁴. Хуллас, касбга йўналтиришнинг шахснинг ижтимоийлашуви билан ўзаро боғлиқлиги касбий йўналтириш жараёнининг табиати, мазмуни ва функцияларини белгилайди.

Диссертациянинг «**Оилада ёшларнинг касб танловига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-қадриятли механизмларнинг институционал хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда ёшларнинг касб танловида оила ва маҳалла институтининг ижтимоий-маданий жиҳатлари ҳамда ёшларнинг касбий ижтимоийлашувида замонавий таълим тизимининг роли таҳлил қилинган.

Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳит ва авлодлараро ворисийлик ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлар негизида ётади. Ворисийлик оила ичидаги ва авлодлараро муносабатлардаги маданиятни узатиш (оилавий турмуш тарзи ва анъанавийлик)да ифодаланиб, оиланинг кичик вакиллари томонидан ёши катталарнинг ҳаётий тажрибаси ўзлаштирилиши жамият тараққиётининг муайян тури билан чамбарчас боғлиқ кечади¹⁵. Шу маънода, авлодлараро ворисийлик – моддий ва маънавий қадриятларни, социал ахборот ва ўтмиш ҳамда бирга умр кечираётган авлодларнинг тажрибасини ўзаро узатиш, ўзлаштириш, сақлаш ва ишлатиш жараёнидир¹⁶. Худди шу контекстда оила болаларнинг ахлоқий сифатлари, хулқ-атворининг шаклланиши, қадриятли мўлжаллари ва касбий танловига бевосита таъсир кўрсатади. Замонавий тараққиёт шароитида турли жамиятларда оила ва оилавий муносабатлар маълум трансформацияларни бошидан кечирар экан, аввало, бундай ҳолатда оилавий муносабатларда унинг ҳар бир аъзосига касбий-ижодий ривожланиши ва ўзлигини намоён этиши учун шарт-шароит яратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллаларда субъект, маънавий тамойилларга таянган ҳолда, жамоанинг бошқа барча аъзоларига ўзига қандай бўлса, шундай тарзда муносабатда бўлади. Зеро, маҳалла ижтимоий бошқарув тизимининг бошқа таркибий қисмларига қараганда тегишли ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолига яқинлиги, уларнинг турмуш даражаси,

западной философии / С.П. Иваненков // Credo. 1997. № 5. - С. 21-33.

¹⁴ Климов Е.А. Психолого-педагогические проблемы профессиональной консультации. - М., 1983. - С. 96.

¹⁵ Мид М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями. / Мид М. Культура и мир детства. - Москва: «Наука», 1988. - С. 429.

¹⁶ Каланова С.М. Жамиятда авлодлар алмашинуви жараёнларининг социологик таҳлили. Монография. - Тошкент: «Фан ва технология», 2018. - Б. 37.

ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумотга эгаллиги билан ажралиб туради¹⁷. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий жамоалар – шахслараро муносабатлар биргаликдаги фаолиятнинг ижтимоий қийматлари ва шахсий аҳамияти орқали ўз ифодасини топадиган гуруҳ. Икки йирик ижтимоий институт доирасида кечадиган касбий ижтимоийлашув бир-бири билан чамбарчас боғлиқ яхлит жараённинг бирламчи ва иккиламчи босқичлари, дейишимиз мумкин. Тадқиқот натижасида маълум бўлдики, маҳаллада ишсиз ёшларни касбга йўналтириш ишларини самарали ташкил этиш учун, уларнинг касбий манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат миқёсида ҳам, чет элда ҳам ёшлар сиёсатини амалга оширишда етарли ресурсларга ҳамда механизмларга эга бўлган халқаро ташкилотлар ва муассасаларни жалб этиш орқали ёшларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш зарур.

Жадид маърифатпарварлари ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ, қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади, деб билишган. Фитрат меҳнатсеварлик ва билим олиш тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашади, «...бу иш уларга чидам, ғайрат ва журъат этилишини, эртага бахтга эришгандан сўнг, бу бахт кечаги заҳмат натижасида юзага келганлигини тушунтиришлари лозим, шунда болалар бахт сиридан хабардор бўладилар»¹⁸, деб ота-оналарни ўз фарзандлари таълим-тарбияси ва касбий йўналтирилишида масъулиятли бўлишга чақиради. Оилада касбий ижтимоийлашув самарадорлигини оширишга ёшларда мотивация, альтуризм, альтруизм бўш вақт, ижтимоий-сиёсий фуқаролик, маънавий-маърифий, интернет тармоғи фаолиятининг намоён бўлиши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш орқали эришилиши асослаб берилди.

Касбий ижтимоийлашув жараёнида, бир томондан, талабанинг ўзи (ўқув таъсирининг объекти) ўқув жараёнида (профессор-ўқитувчилар таркиби, олий талим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити, ўқув жараёнини ташкил қилиш ва курсдошлар) тақдим этилган билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштиради ва бирлаштиради. Бошқа томондан, касбий малакани шакллантириш: меъёр ва қадриятларни, маданият ва билимларни, тажриба ва кўникмаларни ижодий такрорлаш натижасида юзага келади. Ушбу жараёни ижтимоийлашув объектининг (талабанинг) ўқув муҳитига тескари ижтимоийлашув таъсири сифатида аниқлаш мумкин. Таҳлил жараёни ёшларнинг касбий ўзини ўзи аниқлашнинг турли моделлари мавжудлиги ҳақида гапиришга имкон беради.

Биринчи модель: ўрта мактабни (профессional таълим) битирган ёшларнинг аксарият қисми олий маълумот олишга йўналтирилган. Бунда меҳнатнинг мазмуни ва табиати касб танлашнинг асосий сабаблари эмас.

¹⁷ Хусанова Х.Т. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг тартибга солинишида маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг роли. Соц.фанлари номз. дисс.автореф.... - Тошкент., 2009. - Б. 4.

¹⁸ Алимova Д. Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асари. <https://tarixinstituti.uz/uzb/Yana/Vtgan-kunlar/Abdurauf-Fitratning-Oila-ioki-oila-bosh-arish-tartiblari-asari>.

Иккинчи модель: касбий таълимнинг аниқ шакллари ва уни олиш шакллари аниқланмаган. Вазият тасодифга боғлиқ ва ҳал қилувчи омил маълум касб-ҳунар мактабига кириш имкониятидир. Рақобат синовларида ёшлар институтдан мактабга ёки мактабдан мактабга ўтишда бир нечта уринишлар қилишади. Ушбу модель салбий оқибатларга олиб келмайди.

Учинчи модель: иш қидириш. Модель кўпроқ шаҳар ва вилоят марказларида кенг тарқалган бўлиб, у ерда иш топиш эҳтимоли қишлоқ жойларига қараганда анча юқори¹⁹. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб айтиш жоизки, бугунги кунда муваффақиятли касбга йўналтириш ишлари орқали меҳнат бозорини тартибга солишга қаратилган турли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда (ёшлар ташаббусини амалга ошириш) - скандинавия модели, ёшларнинг таркибий тузилиши (миллий, худудий, маҳаллий) бўйича даражаларга ажратишда - германия модели, айрим тармоқларда ишчи кучига бўлган эҳтиёжни қондиришда (иш стажисиз янги иш ўринлар ва янги хизматларни ташкил этиш) - франция моделининг авфзалликлари исботлаб берилган.

Диссертация ишининг «Ўзбекистонда ёшларни касбга йўналтиришда социометрия усули самарадорлигини ошириш йўллари» деб номланган учинчи бобида оилада ёшларнинг касбий танловини тартибга солишда социометрик ўлчов усули самарадорлигининг амалий аҳамияти очиқ берилган. Қорақалпоғистон Республикасида ёшларнинг касбий йўналтирилишига таъсир этувчи омиллар ҳамда касбий-қадриятли мўлжалларнинг социологик таҳлили амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотларни ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5667-сон Фармони²⁰ да мамлакатимизда социология фанининг ривожланиш йўналишлари белгилаб берилган. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини жамият амалиётига татбиқ этишда сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш заруратини кўрсатади. Зеро, социологик тадқиқотлар жамиятнинг батафсил «социал ҳолатини», ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий соҳаларнинг ривожланиш тенденциялари ва мавжуд муаммоларини ўрганишда ўз самарадорлигини кўрсатмоқда²¹. Бугунги кунда социологик тадқиқотлар методларини қўллашда нафақат миқдорий, балки сифатли ўлчов усулларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Хусусан, кичик ижтимоий гуруҳлар (жумладан, оила) да кечаётган муносабатларни тартибга солишда «социометрия» самарали усул сифатида қўлланилмоқда. Социометрик ўлчов – кичик гуруҳ ва жамоаларда кишилараро алоқаларни ўрганади. Социометрия оилани кичик гуруҳ сифатида, ижтимоий молекула,

¹⁹Тощенко Ж.Т. Социологические исследования. - Москва: 2006. №4 (264) - С. 99-105.

²⁰Социологик тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони Ш.М.Мирзиёев [Elektron manba] [http://uza.uz/ru/sənədlar / o-merakh-pogosudarstvennoy-podderzhke-provedeniya-sotsiolog-22-02-2019](http://uza.uz/ru/sənədlar/o-merakh-pogosudarstvennoy-podderzhke-provedeniya-sotsiolog-22-02-2019).

²¹«Ижтимоий фикр» янгилари: Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази // [Электрон ресурс] <http://ijtimoiy-fikr.uz/>.

жамиятнинг оддий бирлиги, деб билади. Социометрияда ўрганиш объекти сифатида кичик гуруҳлардаги ҳиссий-эмоционал муносабатлар ва қадриятли муължал ҳамда танлов (жумладан, касбий танлов)га эътибор қаратилади.


